

Аъзамжон Гадоѐбоев

ХАЛҚ ЙЎЛИ –
ҲАҚ ЙЎЛ



ИТ ҲУРАР, КАРВОН ЎТАР

*Ўт балоси, сув балоси, қуруқ
туҳматдан Худо асрасин.*

Ўзбек халқ мақоли

Маҳалла анъаналари, удумлари ҳақида ёзар эканман, жаҳон халқларининг анъаналаримизнинг жуда қадимийлиги ва жуда миллийлиги, жуда инсонпарварлигини тўла билмаслигини, шу сабабли бизнинг шаънимизга ҳам турфа миш-мишлар ҳақиқат сифатида айтилаётгани ва қабул қилинаётгани ҳақида ўйланиб қолдим. Хаёлимга шулар келди.

Жаҳон оммавий матбуот органларида Юртбошимиз, демократик давлатимиз, ўлкамизда кечаётган туб ислохотлар ҳақида турли миш-мишлар тарқатаётганлар каби ўзини ўзи бошқариш органлари, Жамғармамизнинг ҳам ўзига етарли мухолифлари бор экан.

Уларнинг дўстлигини ҳам, душманлигини ҳам билиб бўлмайди киши. Душман десанг, ачиниб, ғамхўрлик қилиб гапираётгандай бўлишади, дўст десанг, гаплари ҳақиқий ҳаётимиз, турмуш тарзимизга бутунлай зид, ёлғон. Ўзларига ўзи кўйиб олган «инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» деган баландпарвоз номлари унча-мунча одамни эшитганданоқ гангитиб ташлайди. Биз яхши биламизки, диний-экстремистлар ҳам, уларнинг тарафдорлари ҳам ўзларини инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари деб биладилар.

Улар бешиклардан тортиб, то тобутларгача қандайдир нуқсон ахтаришади. Нима эмиш, ўзбеклар чақалоқларини бешикка белашгани учун, уларда носоғлом болалар кўп бўлармиш.

Биз бундай дўстлиги ҳам, душманлиги ҳам мавҳум кишиларни мухолифлар, деб атадик. Мухолифларимиз

овсар эмас, аксинча жуда ақли. Ҳақиқат билан ёлғон-
ни шундай қориштириб юборадиларки, унча-мунча
одам фарқига бормай қолади.

Болалигимизда «Уч ёлғондан қирқ ёлғон» деган халқ
эртагини тинглаб, қахрамоннинг қандай қилиб шунча
ёлғон тўқишига ҳайрон қолардик. Бугун бўлса, ақли-
етганимизда яна иккита «ҳақиқатчи»нинг ёлғонига ҳай-
рон бўлиб юрибмиз. Улар ҳамма ёлғонни билишади-ю,
оддий бир ҳақиқатни билишмайди: инсон ўз ҳуқуқини
ўзи танимаса, уни ҳеч ким, ҳеч қандай ташкилот ҳимоя
қила олмайди.

Кузатишларимизча, мухолифларимиз фаолиятида уч
салбий жиҳат яққол кўзга ташланиб туради:

1. Мухолифларимиз ўзбек халқининг миллий анъана
ва урф-одатларини билишмайди, йўл-йўлакай кўрган-
ларини ўзининг тарозисига солиб таҳлил қилиб кета-
веради. Далилларни ўзларича шарҳлашади.

2. Улар ахборотларни ишончиз кишилар, аниқроғи
ўзларига маъқул одамлардан олишади, ундайлар то-
пилмаса, ўзлари тўқиб ташлашади.

3. Мухолифларимиз ўзларини биздан ақллироқ, адо-
латлироқ ҳисоблашади.

Энди, айрим мисолларга ўтсак:

Тўйлар — ўзбекларнинг орзуси, яшашдан мақсади,
неча асрлик қутлуғ, асраб-авайлаб келаётган анъана-
сидир. Бироқ ўзбек тўйларининг адолатли моҳиятини
нотўғри тушунадиганлар хорижийлар эмас, ўзимизда
ҳам анчагина топилади.

Улар одатда, ўзбеклар ўзи емай, болаларига еб-ичир-
май, тўплаб-тўплаб, икки-уч кунда тўйларда совуриб
юборишади, дейишади. Дабдабабозликка бутунлай
қарши бўлган мухолифларимизга рақамлар билан

Аввало, ўзбеклар энг болажон халқлигини бутун дунё яхши билади.

Аслида эса одам ўртача 70 йил умр кўрса, ўзбек киши шу етмиш йил давомида маҳаллалардаги тўйлардан камида 40-50 кг ошни ейди. Бу ҳам ўзига хос қарз бўлиб, кишилар бу қарзни қандай қилиб бўлмасин, ўғил-қизларининг тўйларида қайтаришга ҳаракат қиладилар.

Мана сизга энг оддий ҳақиқат. Уни чуқур ҳис қилиш учун ё ўзбек бўлиш керак, ё бу халқни билиш керак. Мухолифларимиз буни билмайдилар, ё билишни истамайдилар.

Маълумки, мустақиллик йилларида маҳаллалар кучли давлатдан кучли жамият сари боришда энг етакчи куч, демократик институт деб эътироф этилди. Президентимиз айтганидек: «Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир»¹.

Бироқ мухолифларимизга ишонсак, бутунлай бунинг акси, ўзини ўзи бошқариш органлари демократиянинг ашаддий душмани, маҳалла фаоллари давлатнинг махфий агентлари бўлиб чиқади.

Ўзини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилот деб атаб келувчи «Хюман Райтс Вотч»нинг Ўзбекистондаги вакиллиги, аниқроғи унинг икки ходими Галима Бухарбоева ва Матилда Богнерлар тайёрлаган шапалоқдай-шапалоқдай 42 саҳифалик «Ўзбекистон — хонадондан хонадонга: маҳалла комитетларининг қонунбузарликлари» деб номланган бюллетенлари мухолифларимиз фаолиятига жуда ёрқин намуна бўлади.

¹ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. —Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 1996, 11-бет.

Бу муаллифларнинг ёзишича, ўзини ўзи бошқариш органлари (улар бирорта ҳам маҳаллани жиддий ўрганишмагани учун фуқаролар йиғинини **комитет** деб атайдилар): «... давлатнинг шахсларни ва оилаларни шубҳа остида репрессия қилишда асосий бажарувчи... аҳоли бўйича шахсий маълумотлар тўпловчи... аҳоли лиги ҳуқуқи, оила ва уйга бўлган ҳуқуқларини бузган ҳолда... ҳужжатларни йиғиб милиция ва ижроия органига топширувчи... динга ҳаддан ташқари берилиб кетганларни рўйхатга олиб, бошқа кузатиш ва ҳисобот ишларини бажарувчи... художўй мусулмонларни таҳқирлаб... уларга таҳдид ва ёвузлик қилувчи... мусулмонларга норасмий қонундан ташқари жазолар берувчи... қаттиқ калтакланган аёлларнинг ажрашиш ҳақидаги аризаларини рад этиб, яна эрларининг олдига қайта жўнатиб, зўравонликка дучор қилувчи ва шу йўл билан.. аёлларни хафвли вазиятга солувчи... аҳолини мажбурий ва зўравонлик равишда кўчириб юборишларда ҳарбийларга ва бошқа органларга кўшилувчи... ҳукуматнинг таҳқирлаш ва таъқиб қилиш сиёсатларини мустаҳкамлашда мушкул вазифаларни бажарувчидир».

Биз бу бюллетендан фақат ўз мақсадимизга мос келганини атайлаб кўчирганимиз йўқ. Бюллетеннинг тўлиқ матни олдида бу кўчирма, ҳолва. Улар билан танишиб чиққан киши юқоридаги кўчирма қирқ ёлфоннинг учаси эканлигига ўзи гувоҳ бўлади.

Мен, ҳақиқатни билмаган хорижликлар бу бюллетенни ўқиб, Ўзбекистонда янги фашистик гестапо пайдо бўлибди, унинг махфий номи маҳалла комитетлари экан, деб ўйлашса, ажабланмас эдим.

- «... аҳоли бўйича шахсий маълумотлар тўпловчи» — фуқаролар йиғини шахсий маълумотлар тўпламайди, балки фуқаролар тавсия этган ҳужжатларни ўрганиб чиқади, шунда ҳам муаллифлар айтган мақсадда эмас, балки ижтимоий-моддий ёрдамнинг адолатли ва мақсадли бўлиши учун;

- «... шахс дахлсизлиги ҳуқуқи, оила ва уйга бўлган ҳуқуқларини бузган ҳолда.. ҳужжатларни йиғиб милиция ва ижроия органига топширувчи...» — мухолифларимиз Асосий Қонунимиздан умуман беҳабар. Хабардор бўлишганда, унинг 27-моддасида: «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга», деб ёзиб қўйилгани ва у ҳамма учун тенг амал қилаётганини билишарди.

Ҳужжатларни милиция ва ижроия органига топшириш масаласига келсак, фуқаролар йиғини маҳалла аъзоси то жиноий жавобгар деб топилмагунча, уни ҳимоя қилиш, кафиликка олиш, тарбиялашга ҳаракат қилади.

- «динга ҳаддан ташқари берилиб кетганларни рўйхатга олиб, бошқа кузатиш ва ҳисобот ишларини бажарувчи...» — динга ҳаддан ташқари берилганлар ақидапарастлар бўлишади.

Маҳалла, юрт тинчлиги учун маҳалладаги диний тадбирлар, масжидлар ишини назорат қилиб туриш фуқаролар йиғинларининг бурчидир. Бундан ташқари ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллаларда диний экстремизм, ақидапарастликка қарши ўтказилган тадбирлар ҳақида маҳалла аҳли ва юқори ташкилотларга ҳисоботлар бериб туриши ҳам табиий ҳол.

- «художўй мусулмонларни таҳқирлаб... уларга таҳдид ва ёвузлик қилувчи... мусулмонларга норасмий қонундан ташқари жазолар берувчи» — бу сатрлар ёлғонлигидан ташқари 70 йилча кечикиб ёзилган. Улар ўтган

асрнинг 30-йилларида
келади.

Бундан ташқари бюллетенда эътироф этилган, гўё маҳалла тазйиқига учраган шахслар, ҳақиқатда «Хизбут-таҳрир» каби ноқонуний ташкилотларга аъзо бўлган одамлардир.

- «қаттиқ калтакланган аёлларнинг ажрашиш ҳақидаги аризаларини рад этиб, яна эрларининг олдига қайта жўнатиб, зўравонликка дучор қилувчи ва шу йўл билан... аёлларни хавфли вазиятга солувчи...» — хотинини калтаклайдиганлар, нокаслар бутун жаҳонда, жумладан, мухолифларимиз юртида, Ўзбекистонимизда ҳам бор. Бунини эътироф этамиз. Бизда оилалар бузилишининг олдини олиш учун махсус тадқиқотлар ҳам олиб борилади. Бу тадқиқотлар ажралишларнинг маълум бир қисми ичкиликбоз эрнинг ўз хотинини мунтазам калтаклаши туфайли рўй беришини тасдиқлайди.

Мухолифларимиз: «Лола йигирма олти йил оиласидаги зўравонликка чидаган» — деб совет давридаги ёмонликларни ҳам мустақиллик ҳисобига ёзиб кўяверишган.

Ота-боболаримиз: «Ҳар қишлоқда бир тентак», — дейишган. Аҳолиси 25 млн. дан ортиқ мамлакатимизда бундайлар ўнлаб топилади. Улар ҳақида ўз матбуотимиз ҳам кўп ёзади. Бироқ бу ерда гап бошқа масалада.

Эру хотин урушса, эр калтакласа, аёлнинг кўникўшнилари ва маҳалладан ёрдам сўраб чиқиши, маҳалланинг имкон қадар уларни яраштириб кўйишга ҳаракат қилиши ўзбекларда азалий удум. Айниқса, оилада фарзандлар бўлса, астойдил жон куйдиришади. Болалар увол бўлмасин, етим бўлмасин, бу норасидаларнинг гуноҳи нима, дейишади. Маҳалла демократияси, миллий демократиямиз Фарб демократиясидан ана шундай кўплаб миллий хусусиятлари билан фарқ қилади. Биз бундан тонмаймиз. Аксинча, фахрданамиз

Бироз кулгили-ю, аммо маҳаллаларда бўлиб туралиган воқеа: ўламан саттор, ажрашаман, деган эру-хотинни, кўни-кўшнилар яраштириб кўйишади. Яраш оши, деган гаплар ҳам бор. Жуда ширин бўлади. Қарабсизки, эртасига иккови апоқ-чапоқ. Ҳатто, куриб кетгур, бир оғиз ярашинглар демади-я, деб кимлардандир нолиб ҳам кўйишади.

Аммо миллий анъаналаримизни билмаган мухолифларимиз бундай бўлишини исташмайди. Уларга қолса, эр-хотин судга борса, ўртадаги совуқлик авж олса, оила бузилиб кетса. Болалар етим қолиб, ёш жувонлар ғарбча «севги эркинлиги лаззатини» тотиб, шарқда бузуқилик қилиб юрса.

- «аҳолини мажбурий ва зўравонлик равишда кўчириб юборишларда ҳарбийларга ва бошқа органларга кўшилувчи... ҳукуматнинг таҳқирлаш ва таъқиб қилиш сиёсатларини мустаҳкамлашда мушкул вазифаларни» бажарувчи — мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолини мажбурий ва зўравонларча кўчириб юбориш ҳолати бўлганини ҳеч ким билмайди ҳам, эшитмаган ҳам.

2000 йилда Ўзбекистоннинг Тожикистон билан чегарадош тоғли ҳудудларидаги қишлоқлар аҳолиси ҳақиқатан ҳам кўчган, кўчирилган эмас. Чунки жангарилар ва маҳаллий сеймсик шароит уларнинг ҳаётига бевосита хавф солган эди.

Мухолифларимизга қолса, бу қишлоқлар аҳолиси қирилиб кетса-ю, уларга материал топилса. Мен бу қишлоқлар аҳли билан учрашганман, бор ҳақиқатни биламан. Улар ҳозир жуда тинч, барча қатори эркин яшашаяпти, меҳнат қилишаяпти. Аммо мухолифларимиз баёнида улар яшаётган жой концлагерлар сифатида тасвирланган.

Тўғри, фуқаролар йиғинлари ҳарбийларга Ватан ҳимояси учун йигитларни тайёрлашда жуда яқиндан ёрдам беради. Сир эмас, баъзилар ана шу бурчни ўташдан турли йўллар билан қочадилар.

Бундай салбий ҳолатларни Президентимиз Ислон Каримов ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясидаги маърузасида қонунбузарлик сифатида шундай деб эътироф этган: «Ма-салан, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Хо-разм вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 2002 йилнинг баҳо-рида чақирилган ёшларнинг қарийб учдан бир қисми мут-лақо соғлом бўлгани ҳолда, ҳарбий хизматга қисман яроқли деб топилган ва асоссиз равишда муқобил хизматга йўлан-ган»¹. Маҳаллалар ҳарбий хизматдан бўйин товловчиларни жуда яхши биладилар. Шунинг учун ҳарбийларга ёрдам бе-ришса, нимаси ёмон. Мухолифларимиз мушкул вазифалар деганда нимани назарда тутишган, Худо билади.

Ҳақиқий вазият эса бутунлай бошқача. Бугунги кун-да маҳаллалар ва Жамғармамизга ўнлаб ота-оналар, ёшларнинг ўзлари мурожаат қилиб, уларни ҳарбий хизматга олишларини сўрамоқдалар. Бу аҳоли онгининг ва маҳаллалар мавқеининг ўсиб бораётганлигига ис-бот, ўзбекча айтсак, кўрга ҳасса эмасми?! Қолаверса, бирор қизга совчи бўлиб келсалар, бўлгуси куёвнинг ҳарбий хизматда бўлгани совчилар учун ҳам катта ютуқ.

Муаллифлар манба сифатида уч маҳалла мутахас-сислари ва яна 20 та аёл билан суҳбат ўтказганини айтишади. Биз очиқ тан оламиз, ўзбеклигимиз билан фахрлансак-да, юртимиздаги гийбатчи, ёлғончи аёл-лар сони 20 тадан анча кўп.

Мухолифларимиз ё бюллетень жозибасини ошириш ёки ўз ёлғонларини бировнинг ҳисобига ўтказиш, омма фик-ри сифатида тақдим этиш учун аксарият ахборотчиларни сир тутишади. Шу сабабли, аввало, улар айтган мутахас-

¹ И.А.Каримов. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва
—Т. «Ўзбекистон»

сислар, аксарият ахборотчиларнинг кимлиги номаълум.
Биз кулгини, латифани севадиган халқмиз. Бироқ мухолифларнинг баъзи «айтишларига қараганда» деб бошланувчи миш-мишларга асосланган гаплари ҳар қандай латифадан ошиб тушади.

Эмишки, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар маҳалла раисларига улар жавоб бериши лозим бўлган саволлар рўйхатини беради. Бу саволлардан бири «Соқоли бор ёки илгари соқол ўстирганларнинг рўйхати»дир.

Тавба, дейсан! Нима, ўзбеклар шунчалик овсарми? Инсоний муносабатларнинг ёзилмаган бир қонуни бор. Агар кимдир кимнидир ноҳақ танқид қилаётган бўлса, у очик айтмаса ҳам, гапининг тагида, мен ундан яхшиман, деган маъно ётади.

Эътироф этиш керак, мухолифларимиз бюллетенга ном кўйишда жуда маҳорат кўрсатганлар. Чунки ундаги Ўзбекистон, маҳалла, қонунбузарликлар деган сўзлар дарров ўқувчининг диққатини ўзига тортади.

Хатоларимиз бор, қонунбузарликлар ҳам учраб туради. Эҳтимол, бизда демократия ҳали улардагидек даражада эмасдир. Аммо биз ўз юртимизда миллий ҳақиқий демократик жамият барпо қилиш учун ишляпмиз, яшляпмиз. Биз тинмадан худо хоҳласа, албатта кураимиз ҳам. Бизнинг демократик жамиятимиз ўзига хос бўлади.

Зотан, Президентимизнинг ҳаққоний фикрини яна бир бор такрорласак, мухолифларимизга катта сабоқ бўлади: «Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқидаги демократик кадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъаналарга эга, Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади»¹.

Ҳақиқат мунозараларда, қиёсларда намоён бўлади. 2001 йил 13 июн «Маҳалла» газетасида мухбир саволларига жавобларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг жавоблари кўпчиликнинг дилидаги гапларни, ғарб ва шарқ демократиясининг айрим ўзига хосликларини жуда яхши ифодалаб берган.

Жумладан, маҳалла демократияси халқнинг асрлар давомида шаклланган дунёқараши, анъана ва қадриятларига асослангани таъкидланиб, келтирилган қиёслардан фойдаланиб мисол сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Агар АҚШда бир йигит отаси билан 50 доллар талашиб, уни судга бериб, судда ютиб чиқиб, отасини 5 млн. доллар тўлашга мажбур этса, бу демократия тантанасининг намунаси ҳисобланади.

Ўзбеклар эса бундай фарзандни «оқпадар» деб, ҳамма уни ёмон кўриб қолади. Тўғри, ўзбекларнинг «Гап келганда отангни ҳам аяма», дегани хақ, лекин фарзанднинг ота билан пул ёки мулк талашишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

2. АҚШда фарзанд вояга етиши билан ота-она унга маълум бир улуш пулни ажратиб беради ва йигит ёшлигидан мустақил ҳаёт бошлайди. Ақл-заковати, файрати етишса тадбиркорлик билан бойиб кетади. Бўлмаса, хароб бўлиб юраверади.

Ўзбеклар эса фарзандлари вояга етгандан кейин ҳам, унинг ғамини ейди, уйлантиради, уй-жой солиб беради, набираларини ҳам кўтариб юради. Фарзандлар ота-оналарини қиблагоҳим дейишади. Ҳатто «Отанг ишга буюрса, намозингни бузиб қил», «Ота рози — худо рози» деган мақоллар яратган.

3. Вашингтонда яшайдиган вазирнинг олисроқ штатда яшайдиган отаси вафот этиб, ўғил юмуш билан бора олмай қолса, уни ҳеч ким меҳрсизликда айбламайди.

Бизда эса Тошкентда ишлайдиган вазирнинг отаси вафот этиб, ўғил уни сўнги манзилга элтмаса, бунақа вазирдан ҳамма юз ўгиради.

4. АҚШда бирор кори ҳол бўлса дарров адвокатга, бизда маҳаллага чопишади. Бундай қиёсларни ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин. Шунинг учун ўзбекча тамо-йилдаги инсон бўлиш қийин ва бундай инсонийлик ўзига хос. Бизнинг ўзбеклигимиз ҳам ана шунда-да.

«Албатта, — дейди ҳурматли адибимиз, — ўзбек рус биродарининг таъзиясида ичкилик ичмаслиги ёки европалик кўшни ўзбек биродарининг қабристонига бориб, Куръон тиловат қилмаслиги мумкин. Бироқ улар бир-бирининг қувончли кунда ҳам, бошига ташвиш тушганида ҳам елкама-елка туради...».

Буни эса мухолифларимиз билишмайди.

Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер, дейди халқимиз. Майли мухолифларимиз ўзбек эмас, салом ҳам бермай кўйиша қолсин. Биз кечиримли халқимиз. Аммо тухмат ҳам қилишмасин-да. Тухматлари камлик қилгандай улар 2003 йил 22 сентябрда Тошкентдаги «Grand Mir» меҳмонхонасида мазкур бюллетень юзасидан матбуот анжумани ўтказганига нима дейсиз.

«Тўғри гап тўққанингга ёқмас», — дейди халқимиз. Шунинг учун бўлса керак, М. Богнер ва унинг тарафдорлари 2003 йил 14 октябрда «Пойтахт» меҳмонхонасида уларнинг ҳақиқий қиёфасини очиб ташлаган «Маҳалла» газетасининг редактори Чори Латиповга қарши ўзлари уюштирган матбуот конференциясини ташлаб чиқиб кетдилар.

Афсусланарли томони шундаки, ўзини Фарғона шаҳридаги «Ўт юраклар клуби» раҳбари деб юрган ватандошимиз Мўътабар Тожибоева, ўзбек маҳалласида тутилиб-ўсган, кунига маҳаллалар ҳақида камида 15-20 та турли мавзудаги мақолаларни таҳрир қиладиган жур-

налистимизни иккита хорижликка нисбатан маҳалла-
ни билмасликда айблаб, мухолифларимизнинг ного-
расига ўйнаб юрибди.

Мухолифларимиз ҳам асосий мақсади — халқни дав-
латга қарши қўйишни унинг тили билан айтадилар.
Мисол учун «Пойтахт» меҳмонхонасида уюштирилган
мулоқотдаги Мўътабар Тожибоевнинг Пресс-Релизи-
дан бир кўчирмани айнан келтириш кифоя:

«Узбекское правительство под всякими красивыми
лозунгами, как «создание гражданского общества» и
«демократического строя» обманывает не только свой
народ, но и все мировое сообщество».

«Ўзбек ҳукумати «фуқаролик жамияти барпо этиш» ва
«демократик тузум» каби турли-туман жозибали шиор-
лар билан на фақат ўз халқи, балки бутун жаҳон ҳамжа-
миятини ҳам алдаб юрибди» (Таржима бизники — А.Г.).

Мана асл мақсад, мана асл башара!

Унга қарата: Эй, ватандош! Тукқанингни ёмонлаб,
қайдан тукқан топасан, деймиз, холос. Қизифи шунда-
ки, Матильда Богнер анжуманда халқаро ташкилот-
ларнинг маҳаллаларни моддий ва маънавий кўллаб-
қувватлашини тўхтатиш, маҳалланинг ваколатини қис-
қартириш, керак деди. Бу кўрқитишми ёки Сиз ўз ку-
нингизни кўра олмайсиз, деганими? Халқаро ташки-
лотлар ҳам икки тухматчининг гапига лаққа ишониб
қолмаса керак.

Биринчидан, биз кунимиз халқаро ташкилотларга
қолган тиланчи эмасмиз. Дунёнинг қайси буржида аҳоли
табий офатларга йўлиқса, давлатимиз ўтиш даври-
нинг офир иқтисодий шароитларига қарамай инсон-
парварлик ёрдамини бериб турибди. Моддий жиҳатдан
ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам ўзимизни боқиб кўр-
бимиз етади. Бироқ ҳозирги жаҳондаги шароит барча
халқларнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан

мустаҳкам ҳамкорлигини талаб қилар экан, ўзбеклар бир четда қараб турадиган халқ эмас-ку.

Халқимиз «Ўзинг учун ўл, етим», деб бекорга айтмаган. Биз дунёда бағри кенг, бутун одамзотга қайғурадиган инсонлар, ташкилотлар борлигини инкор этмаймиз. Айни пайтда, Ўзбекистон учун ҳеч ким ўзимиздек чин дилдан қайғура олмаслигини ҳам яхши биламиз. «Кўлдан берганга қуш тўймас», — дейди халқимиз. Биз ўз меҳнаткаш халқимизга ишонамиз.

2003 йил Республика «Маҳалла» жамғармасининг катта мажлислар залидаги учрашувда мен М. Богнер хонимга: «Сиз шахсан ўзингиз бюллетенда айтилган бирор воқеага гувоҳ бўлганмисиз, бирорта оила, намозхон билан шахсан учрашганмисиз?» — деб савол берганимда, хоним: «Йўқ, мен эшитганларим ва ўқиганларимга асосланганман», — деди. Демак, юртимизда гийбатчиларнинг тегирмонига сув қуюдиган, ўз халқини ёмонлайдиган ичи қоралар ҳам бор экан.

Мен шу мавзуда айтган мулоҳазаларимни бутун дунё ўқишини истар эдим. Шухрат учун эмас, балки Галима Бухарбоева ва Матилда Богнерларнинг гапи ёлфонлигини ҳамма билиши учун. Бундай мухолифларимиз талай топилади.

Президентмиз диний-экстремистик оқимлар ҳақида айтганидек, одатда ўз ташвишларимиз билан бўлиб: «Минг афсуски, биз бу нарсаларга етарли эътибор бермаймиз. Ҳа, кимдир шу уйдирмаларни ўртага қўйса-қўйибди-да, бу бизнинг ишимиз эмас, биз бугунги ҳаёт билан яшайпмиз, деймиз. Лекин бу — катта хато. Чунки биз катта халқмиз, кимки шундай даъватларга, ёлфон гоаяларга алданиб қолса, улар учун ҳам биз жавобгармиз...

Ўзбекларга қизалоқ онасига туғишни ўргатгандек, бўлар-бўлмас ақл ўргатаверсангиз, энсаси қотиб: «Бор-э, маслаҳатингни пишириб е!» — дейди.

Энг афсусланадиган жойи шуки, улар аввало маҳаллий аҳолининг ҳаёт тарзи, асрлар давомида шаклланган дунёқарашини чуқур ўрганмасдан туриб бир ёқлама баҳо ва маслаҳат беришга киришади»¹.

Мухолифларимизнинг таклифлари ана шундай маслаҳатнинг бир кўринишидир.

Ушбу китобимиз ҳам мухолифларимизга муносиб бир жавоб бўлар. Биз улардан ақллироқмиз, дея олмайману, аммо бу борада ҳам заррача кам эмасмиз, миллий андишамиз эса анча зиёд. Мен бунга аминман.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, халқ масалида айтилишича, айиқ деҳқон билан дўст бўлиб, деҳқон ухлаб ётганда, пашшасини кўрийман деб, бир уриб, деҳқонни ҳам ўлдириб қўйган экан.

Мухолифларимизнинг ғамхўрлиги ана шунга ўхшайди. Улар-ку, бизни ўлдира олишмайди, буни исташмайди ҳам, аммо пашшадек ғинғиллаб ғашга тегишади. Тинч ишлашимизга халақит беришади.

Биз камчиликларимиздан тонмаймиз ва мухолифларимиз билан очиқ мунозарага ҳамиша тайёرمىз. Ҳозирча хулоса шуки, бу халқнинг асрий миллий анъаналари, урф-одатларини билмаганлар, яхшиси маҳалла ҳақида сўз очмасин, бир қучоқ хашакни юклаб, аравани курук олиб қочмасин.

Бизнинг бахтимиз шундаки, катта карвонимиз ўз карвонбошиси билан нурли манзилни кўзлаб йўлда кетмоқда, итлар ҳуриши уни тўхтата олмайди.

¹ И.А.Каримов. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз кучқудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. —Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 2004. 11, 18-бетлар.